"Teatr, eng avvalo, tarbiya maskanidir yoxud respublika qo'g'irchoq teatrlarining an'anaviy festivalidan so'ng"

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 13 октябрь, 195-сон

Санъат

ТЕАТР, ЭНГ АВВАЛО, ТАРБИЯ МАСКАНИДИР

ёхуд республика қўғирчоқ театрларининг анъанавий фестивалидан сўнг

Маданият вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган республика қўғирчоқ театрларининг анъанавий XII кўрик-фестивали яқинда ўз ишини якунлади. Фестиваллар одатда соҳада эришилган янги ижодий кашфиётларни намойиш этиш, шу билан бирга, галдаги вазифаларни аниқлаб олишда муҳим саналади. Шу маънода республика қўғирчоқ театрлари фестивали ҳақидаги хабар қанчалик қувончли бўлса, унинг онлайн шаклда ўтказилишини эшитиб тараддудланганлар ҳам бўлди. Жонли ижро ва жамоавий сезимга асосланган театр санъати учун бу шакл ноодатий эди. Бутун дунёда содир бўлаётган ҳолат томошабинни ҳам шароитга мослаштирди.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институти директори ўринбосари, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Фестиваль доирасида республикада фаолият юритаётган 10 жамоа ўз спектакли билан иштирок этди. Намойиш этилган спектакллар мавзуси ва жанри турлича. Одатдагидек, эртак асосида яратилган асарлар кўп. Эртак воқеаларини замонавийлаштиришга, бугунги муаммоларни асар воқеаларига сингдириб, тарбиявий аҳамиятини кучайтиришга интилишлар сезила бошлади. Тарихий мавзуларни ўзлаштиришда, муайян [illegible] саҳнада жонлантиришлари йўлидаги изланишлар қувонтиради. Ўзбек адабиёти намуналари қатори жаҳон адабиётига мурожаатлар бўлди. Спектакллар актёрларнинг жонли ижролари билан бойитилаётгани, бошловчилар чиқишлари билан тўлдирилаётгани бугунги ўзбек қўғирчоқ театрида ўзига хос услубий изланишлар кечаётганидан далолат. Зеро, айнан мана шу ҳолатлар саҳна ва томошабин ўртасидаги мулоқотга хизмат қилаётгани эътирофли.

Фестивални Ўзбек миллий қўғирчоқ театри жамоаси "Маша буви ёпган бўғирсоқ" (муаллиф ва режиссёр З.Орипова, рассом М.Рўзметова) спектакли билан очиб берди. Энг кичик томошабинлар учун мўлжалланган ушбу спектакль рус эртаклари инсценировкаси асосида яратилган. Бу услубдан театр жамоаси кўп фойдаланади. Дўстлик, ўзаро меҳр-оқибат ва оила қадр-қиммати ҳақида фикрлар илгари сурилган спектакль қисмлари пухта ўйланган. Хусусан, асар воқеаларига томошабинни тайёрлашга йўналтирилган муқаддимада — уй фариштаси қиёфасидаги бошловчининг саҳнани томошага тайёрлаши ортиқча тафсилотлардан холи бўлиб, ўринли қўлланилган. Шу маънода, актёрлар ҳаракати ва қўғирчоқлар ўртасидаги муносабатлар саҳна ва томошабин ўртасидаги боғлиқликни жонлантиришга хизмат қилган.

Ушбу йўналишдаги спектакллар сирасига Жиззах вилояти қўғирчоқ театрининг "Тилла туёқли оху", Бухоро вилояти қўғирчоқ театрининг "Сирли чашма", Самарқанд вилояти қўғирчоқ театрининг "Қулоқ, бурун, дум" спектаклларини ҳам киритиш мумкин. Ушбу спектаклларда сеҳр-жоду орқали мўъжиза рўй берса-да, воқеалар реал ҳаётга яқинлаштирилгани сабаб улардан бугунги кун нафаси сезилиб туради.

"Тилла туёқли оху" (муаллиф И.Жума- [illegible] воқеаларни ёдга солади. Спектаклда болалар характерига хос хислатлар бадиий тарзда ҳайвонларга кўчирилган. Она табиатга бўлган меҳр, уни асраб-авайлаш ғояси, болажонларни ҳайвонот оламига ошно қилиш нияти асар тарбиявий аҳамиятини кучайтиради. Овчининг ини ва тузоғига тушиб қолган оҳу ўртасидаги дўстона муносабатлар сабаб асардаги [illegible] тус олиши асар таъсир кучини оширади. Пухта ишланган диалоглар қизиқарлилиги билан эътиборли. Спектакль театрда режиссёрнинг роли катта эканини яна бир бор тасдиқлади.

Бухоро вилояти қўғирчоқ театрининг "Сирли чашма" (Т.Аҳмад шеърий достони асосида Гулнорабону инсценировкаси, режиссёр Е.Вардашева, рассом С.Эргашева) спектакли беозорлик, ёвузлик жазосиз қолмаслиги ҳақида ҳикоя қилади. Асар бош қаҳрамони Жавлон тантиқ, бобосининг сўзларига қулоқ солмайдиган қайсар бола. У эркалигидан меҳрга бўйин эгмайди, атрофдаги табиатга, жониворларга доимо озор беради. Тош отиб қушнинг қанотини синдиради, тусоқ қўйиб мушукни қафасга солади. Мушукнинг уни озод қилишни сўраб ялинишларига жавобан "менга дўст керакмас", дейишида ҳам унинг худбинлиги бўй кўрсатади. Айнан мана шу хислати уни табиатга ҳаёт бахшида турган чашма устига харсанг тош босиб, унинг кўзини ёпиб қўйишига сабаб бўлади. Натижада сувсиз қолган жонзотлар уни жазолашни сўрайди. Ушбу илтижоларни тинглаган сирли чашма Жавлонни айиқча айлантириб қўяди. Воқеалар [illegible] сувсизлик оқибатига жабр кўрган жонзотларнинг булоқ кўзини очиш йўлидаги ҳаракатлари, тошни суришга кучлари етмаслиги ва оқибат айиқ қиёфасидаги Жавлоннинг ҳаракатлари сабаб булоқ кўзининг очилиши [illegible]. Спектаклда илгари сурилган ғоя жажжи болажонларни табиатни севишга, жониворларни асраш ва бобо-бувиларининг насиҳатларига қулоқ тутишга ундайди. Шу ўринда саҳнада [illegible] кўплиги саҳнадаги қўғирчоқларнинг эркин ҳаракатига тўсқинлик қилаётганини айтиб ўтиш ўринли.

Бола тарбиясида муҳим бўлган жиҳатларни бугунги кун воқеалари мисолида саҳнада гавдалантирган асарлар ҳам фестиваль кун тартибида алоҳида ўрин тутди. Хусусан, Самарқанд вилояти қўғирчоқ театрининг "Қулоқ, бурун, дум" (муаллиф А.[illegible], режиссёр А.Ниязов, рассом Н.Султонов) спектаклида кўрганимиз [illegible] бола бошидан кечирган қизиқарли воқеалар интерактив шаклда намоён бўлган. Спектакль болаларнинг [illegible] бўлиб, шу [illegible] ота-оналар ўрни ва масъулияти хусусида ўйлашга ундаши билан эътиборли. Бунда тўғри тарбиянинг аҳамияти ҳақидаги ғоялар илгари сурилади.

Хоразм вилояти қўғирчоқ театрининг "Қалдирғоч ва майна" (Муаллиф М.Шодиева, режиссёр Г.Юсупова, рассом Ш.Ёқубов) асари панднома шаклида бўлиб, эртак томоша жанрида саҳналаштирилган. Спектакль ёт ғояларга берилмаслик ҳақида. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий зиддият қаҳрамонлар ўртасидаги тўқнашувлар орқали ифодаланган. Асар бош қаҳрамони Қалдирғочвой "ҳора қушлар" — Майналар таъсирига тушиб қолади ва уларнинг алдови туфайли ўзи туғилиб ўсган маконни тарк этади. Майналар Қалдирғочнинг [illegible] чиб қолади. Мушук чангалига тушиб қолган Қалдирғочвой адашганини тушуниб етади ва ота-онасини ёрдамга чорлайди. Уларнинг кўмаги билан мушук чангалидан қутулиб, туғилиб ўсган диёрига қайтади.

Табиат ва инсон, улар ўртасидаги муносабатлар Қорақалпоқ давлат қўғирчоқ театрининг "Саҳро Бембийи" (муаллиф А.Бекимова, режиссёр Қ.Қалилаев, рассом М.Бейнеуова) спектаклида жонланган. Асарда ўз подасидан ажралиб, адашиб қолган сайғоқ боласини инсон фарзанди асраб олади ва унга ғамхўрлик кўрсатади. Болакай сайғоққа Бембий деб ном беради ва уни парваришлаб, катта қилмоқчи бўлади. Саҳрода сайғоқ боласини топиб олганини сезган йигитчанинг дўстлари Бембийни ундан зўравонлик билан тортиб олмоқчи бўладилар. Жониворга меҳри тушиб, уни яхши кўриб қолган бола, бутун вужуди билан Бембийни ҳимоя қилган болакайнинг хатти-ҳаракатларидан таъсирланган овчи сайғоқларни беҳуда отмасликка сўз бериб, унинг ўз онасига қайтишига ёрдамлашади. Спектакль ижодкорларининг турли оилаларда катта бўлаётган ҳар хил феълли болаларнинг табиатга муносабатини қиёслаш орқали тўғри йўлга чорлаш, табиатни асраб-авайлаш ва қадрлашга йўналтириш нияти шу маънода ўз ифодасини топган.

Андижон вилояти қўғирчоқ театри жамоаси ўз олдига тарихий шахс образини яратиш вазифасини қўйиб, "Шерзод ёхуд Бобур ҳақида қисса" (муаллиф М.Рўзиева, режиссёр Д.Шайхова, рассом А.Жабборова) спектаклини яратган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётий мероси болалик даврларини акс эттан спектакль ижодкорлари, аввало, томошабинлар аудиторияси имкониятлари ва қизиқишларини эътиборга олган. Бунда болаларнинг севимли қаҳрамонлари, хусусан, "Оловиддиннинг сеҳрли чироғи" эртагидаги сеҳргар Жаъфар образи Абу Жоҳил тимсолида, "Али бобо ва қирқ қароқчи" эртагидаги қароқчилардан бири Букри образида тасвирланади. Шу маънода шакл ва мазмун жиҳатидан эртакка яқин бўлган асар тарихий манбаларга таяниб яратилган. Воқеалар шоҳона саройда фонида, мусиқа жўрлигида ривожланади. "Ипохор" ривоятида келтирилган [illegible] чар билан боғлиқ тафсилотлар асосий воқеалар тизимига сингдирилган. Тўғри, асарда Бобур сиймоси унинг бутун бўй-басти билан намоён бўлмайди, унинг жамиятдаги ўрни, буюклиги сабаблари ҳали тўла очилмаган. Бироқ тан олиш лозим, томошабинга кичиклигидан кимларнинг авлоди эканини таништириб бориш интилишининг ўзи таҳсинга лойиқ.

Фестиваль бадиий-ғоявий жиҳатдан катта фалсафий мазмун ташувчи асарлар қўғирчоқ театрлари репертуари учун ҳам муҳим бўлиб, уларнинг ўз томошабини мавжудлигини яна бир бор исботлади. Хусусан, Қашқадарё вилояти қўғирчоқ театри жамоаси Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонига мурожаат этар экан, жамиятда инсоннинг ўрни хусусида фикрлашга ундайди. "Қуш тили" спектаклида (Х.Расул инсценировкаси, режиссёр Ш.Юсупов, рассом М.Маматов) инсон қалбида эзгулик ва [illegible] унсурлари мавжудлиги, фақатгина эзгу фазилатлар ва соғлом фикр билан ёвуз туйғулар устидан ғалаба қозониш мумкинлиги ғояси илгари сурилади. Асарда тилга олинган ғоя ва тушунчалар қушлар суҳбати орқали ёш томошабинларга етказилади. Саҳнада Товус, Лочин, Бургут, Майна, Ҳудҳуд сингари қушларнинг суҳбатлари ва ҳаракатлари орқали ҳақиқатни англаш йўлидаги интилишлар ўзига хос услубда баён этилади. [illegible] мавжуд бўлган ҳасад ва разолат [illegible] уни енгиш мумкинлиги кўрсатилган. Шу маънода спектакль инсон ўзини ва қалбини англаса, ҳар қандай фалокат ва қабиҳ ниятлар уни тарк этиши ва [illegible] мумкинлиги ғояси сингдирилган. Асар хотимасидаги тўпланган қушларнинг бирлашувидан таркиб топган Семурғ қуши сиймоси адолатнинг тантанаси бўлиб жаранглайди. Унинг тилидан янграган "Адолатли шоҳ ўзингиз" сўзлари Навоий даҳоси, у кўтарган муаммолар асрлар ўтса-да, ўз қадрини йўқотмай, оҳори тўкилмай келаётганига ишора.

[illegible] услубий изланишлар билан бойитишда муҳим омил эканини Сурхондарё вилояти қўғирчоқ театрининг "Қодирий кулдирганда..." (А.Қодирий асарлари асосида Ш.Дўстмуҳаммад инсценировкаси, режиссёр Ш.Юсупов, рассом З.Ёдгоров) спектакли ҳам тасдиқлайди. Бу саҳна асарига адибнинг "Саводгар", "Калвак Махсум", "Тошпўлат тажанг" сингари кичик ҳикоялари асос қилиб олинган. Миллий, халқона руҳдаги спектакль карнай-сурнай, ноғора садолари жўрлигида бошланиб, бошловчилар [illegible] Абдулла Қодирий ва унинг асарлари, хусусан, "Гирвонлик Маллавой" ҳикояси билан томошабинни таништиради. Спектаклда масхарабоз қиёфасидаги бошловчилар воқеаларни шарҳлаб борадилар, шунингдек, саҳналарни ўзаро боғлаб, томошага завқ бағишлайди. Бир сўз билан айтганда, ёш томошабинларга ҳалоллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик ва илм олишга бўлган муҳаббатнинг шаклланишида мазкур спектакль аҳамиятли бўлиши шубҳасиз.

Фарғона вилояти қўғирчоқ театрининг "Тойчоқ" (муаллиф, режиссёр ва рассом С.Садуллаев) спектакли фестиваль топилмаси, кашфиёти бўлди, десак муболаға бўлмайди. "Тойчоқ" — муаллифлик спектакли. Асарда [illegible] профессионал ечимини топган. Спектакль муҳаббат мавзуси — тойчоқнинг дунёга келиши, унга ота-онанинг меҳри, оламни билиш ва янгича [illegible] интилишлари билан бошланади. Бироқ унинг бу сурурли онлари узоққа чўзилмайди. Ота — жонивор тулпор қўшин йўлбошчиси сифатида душман билан бўлган жангда ҳалок бўлади. Онаси эса фарзандининг ҳаётини сақлаб қолиш учун бўрилар билан бўлган шафқатсиз олишувда жон беради. Бундан бехабар тойчоқ акаларини излаб йўлга чиқади ва сафар давомида турли қийинчиликларга дуч келади. Оқибат-оқибат меҳрибон инсонлар тойчоққа ғамхўрлик кўрсатиб, қарамоғига олади.

Спектаклнинг барча компонентлари — драматургия, режиссура, сценография, мусиқа, актёрлар ижросининг уйғунлиги асар муваффақиятини таъминлаган. Миллий матолардан яратилган қаҳрамонлар актёрлар характерларида жонланиб, таъсирли саҳнавий кўринишларни юзага келтиради. Миллий ва замонавий созлар уйғунлигида ижро этилган қалбларни ларзага соладиган куйлар — буларнинг барчаси спектакль мусиқасини яратиб, унга ҳаётийлик бағишлаган. Қаҳрамон тушиб қолган шароит, ундаги драматизм, лирик саҳналар, инсонга хос хислатларнинг жониворлар ва табиатга ифодаланиши сўзсиз тушунарлиги. Миллий колорит, халқона руҳ, бадиий ечим теранлиги томошабинларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

Фестиваль доирасида "Янги давр Ўзбекистон қўғирчоқ театрлари: кеча, бугун, эртага" деб номланган илмий-амалий анжуман доирасидаги чиқишларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қўғирчоқ театрларидаги ҳолат, сўнгги йилларда яратилаётган шароитлар, ютуқлар ҳақида [illegible] гапирганлар бўлди. Шу билан бирга, театрлар репертуарини шакллантиришда мавжуд муаммолар тилга олинди. Драматургия, режиссура, сценография, актёрлар ижроси масалалари қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Навқирон мутахассисларни театрларга жалб этиш юзасидан мавжуд муаммолар ўртага ташланди, уларни ҳал этиш бўйича таклифлар киритилди. Келган фикр ва мулоҳазалар шаклида ўтган бу тадбир соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларга мутасаддилар эътиборини қаратди.

Фестиваль қўғирчоқ театрларида ўзига хос ижодий жараён кечаётгани, қаерда интилиш бўлса, ижодий муваффақиятлар, улардан сўнг келадиган ижодий сурур, [illegible] руҳан тозаланишнинг яна бир бор исботлади. Бундан эса фақат томошабин ютади. Зеро, жамиятнинг эртанги куни бўлган болалар театрлари ҳақида сўз борганда, уларнинг катта ижтимоий аҳамиятини қайд [illegible]